# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ  № 17 (1196)  2019 йил 25 апрель

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда  ISSN 2010-6602  @bank_axborotnomasi  Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг


## ТЕЗ КУНЛАРДА HUMO ТЎЛОВ ТИЗИМИ ИШГА ТУШАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий йилда учта муҳим лойиҳани амалга оширмоқда. Булар – тўлов тизимининг 24 соат узлуксиз ишлашини таъминлаш, масофавий хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда йил якунига қадар Humo тўлов тизимини республика бўйлаб жорий этишдир.**



Бу ҳақда Марказий банкда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидланди. Матбуот анжуманида Марказий банк раиси ўринбосари Ботир Зоҳидов, Банклараро миллий процессинг маркази вакили Шуҳратбек Қурбонов ва банкнинг бошқа масъул ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланишича, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун барча техник ишлар тайёрланган. Йил охирига қадар бу лойиҳалар тўла фойдаланишга топширилади. Натижада аҳоли 7/24 режимида ҳар қандай тўловларни амалга ошириш ҳамда республиканинг исталган нуқтасидан банкнинг масофавий хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлади. Қолаверса, Humo тўлов тизимининг кенг миқёсда жорий этилиши ҳам халқимиз учун бир қатор қулайликлар яратади. Яъни тизимдаги асосий иш жараёнлари тўла банкларнинг ўзига берилади. Бу эса банк ва мижоз ўртасидаги турли тушунмовчиликлар ва карта амалиётидаги узилишларнинг олдини олади. Энг асосийси, эса бу тизим карталари Uzcard карталаридан бир неча баробар арзон ва мавжуд Uzcard тизимида ҳам ишлайверади. Унинг хавфсизлиги ҳам тўла таъминланган.

Мазкур карталарни илк бор пойтахт аҳолиси жорий йилнинг 1 май санасидан олиши мумкин. Йил охиригача эса мазкур тизим карта ва терминаллари республика бўйича тўла татбиқ қилинади. Бунинг учун юз минг терминал ва беш юз минг карта амалиётга жорий этилади. Айни кунда жами 47 990 терминал ҳудудларга ўрнатиб бўлинган.

**finance.uz**

## ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР МОЛИЯЛАШТИРИЛМОҚДА



**Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан "Иқтисодиётнинг йирик тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижа ва муаммолар ечими" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.**

Унда банк раҳбарияти ва журналистлар иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, "Ўзсаноатқурилишбанк" бир неча йиллардан буён иқтисодиётнинг йирик тармоқларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кенг кўламдаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг учун хорижий кредит линиялари фаол жалб қилиниб, молиявий имкониятлар оширилмоқда. Шу билан бирга кредит портфелини тақсимлашда юқори самарали лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилиб, бизнес-жараёнларни автоматлаштириш, жумладан, корпоратив мижозларга мўлжалланган масофавий хизматларни янгилаш ишлари кучайтирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

**Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил 20 апрелдаги йиғилишида қайта молиялаш ставкаси йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.**

## ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ

Ушбу қарор пул-кредит сиёсатининг инфляцияни жиловлаш ва инфляцион кутилмаларнинг пасаювчи трендини қўллаб-қувватлашга қаратилган жорий шароитларни сақлаб қолиш заруриятига асосланди.

**Инфляция ва инфляцион кутилмалар.** 2019 йилнинг I чораги якунларига кўра, йиллик инфляция даражаси Марказий банкнинг асосий прогноз коридорининг (13,5–15,5 фоиз) қуйи чегарасида шаклланиб, 13,6 фоизни ташкил этди. Бунда, йиллик инфляция динамикаси 2018 йилнинг I чорагидан фарқли равишда бироз ўсувчи тенденцияни намоийш этди.

Умуман олганда, 2019 йилнинг I чорагида инфляция даражаси айрим озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи қисқариши каби мавсумий омиллар, шунингдек, тартибга солинадиган нархларнинг 2018 йил ноябрдаги оширилиши, кредитлашнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши, ҚҚС базасининг кенгайтирилиши ҳамда миллий валютанинг нисбатан қадрсизланиши таъсири натижасида шаклланиб, кутилган даражадан пастроқ бўлди.

Ушбу даврда 2019 йил учун базавий прогнозда келтирилган хатарларнинг рўёбга чиқиш эҳтимоллари пасайиб, айрим хатарларнинг таъсир даражаси камайган бўлсада, бироқ уларнинг таъсир муддатлари узайди.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш механизмининг ўзгариши ҳамда 2018 йил ноябрь ойида энергия ресурслари тарифлари ошиши ички нархларда тўлиқ ўз аксини топмади ва ушбу жараён катта эҳтимол билан маълум бир вақт давом этади.

Ўтган йиллардаги каби инфляцияни оширувчи асосий омил озиқ-овқат нархларининг ўсиши бўлиб, унинг чораклик инфляцияга қўшган ҳиссаси 2,8 фоиз бандни ташкил этди. Шу билан бирга, инфляцияга ноозиқ-овқат товарлари нархларининг таъсири ҳиссаси 1 фоиз бандгача пасайди, хизматлар ҳиссаси эса 0,5 фоиз бандни ташкил этди.

2019 йилнинг I чорагида инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлиши, ички бозорда товар ва хизматлар таклифининг ўсиши, шунингдек, миллий валюта алмашув курсининг нисбатан барқарорлиги қисқа ва ўрта муддатли инфляцион кутилмаларнинг пасайишига хизмат қилди.

(Давоми 2-саҳифада)


УШБУ СОНДА

КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИДА ФАОЛ БАНК 2



МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ҚАНДАЙ КЕЧГАН? 5



ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА 8



# ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ

**(Бошланиши 1-саҳифада)**

Хусусан, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари, январь ойидаги ўсишдан кейин камайиб борувчи трендни намойиш этди. Шу билан бирга, ўрта муддатли инфляцион кутилмалар индекси кўрсаткичлари қисқа муддатли инфляцион кутилмаларникига нисбатан юқори бўлди. Бу ўз навбатида, респондентлар орасида ўрта муддатли истиқболда нархларнинг ўсишига оид хавотирлари сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

**Прогноз ва асосий хатарлар.** Марказий банк 2019 йил учун инфляциянинг базавий прогнозини 13,5–15,5 фоизлик даражада сақлаб қолади.

2019 йилнинг II ва III чоракларида ўртача ойлик инфляция даражаси ўтган йилги кўрсаткичлар доирасида бўлиб, йиллик инфляция даражасининг сезиларли даражада пасайиши кутилмаяпти.

Шу билан бирга, ўтган йилнинг IV чорагидаги инфляциянинг юқори базаси ва жорий иқтисодий ҳолатлардан келиб чиқиб 2019 йилнинг IV чорагида йиллик инфляция даражасининг пасайиши кутилмоқда. Йил якунида инфляция даражаси қуйидаги хатарларнинг амалга ошиш эҳтимоллигидан келиб чиқиб прогноз коридорининг қуйи чегарасида бўлади:

– жорий йилда маъмурий тартибга солинадиган нархларни эркинлаштириш сиёсатининг давом эттирилиши кутилаётганлиги билан бирга, 2018 йилнинг ноябрь ойидаги нархлар оширилишининг иккиламчи таъсири;

– тадбиркорлик учун базавий иқтисодий шароитларнинг ўзгариши (масалан, алоҳида ишлаб чиқарувчилар гуруҳларининг энергия ресурсларидан фойдаланиш имкониятларидаги ўзгаришлар);

– хизматлар, жумладан, коммунал хизматлар тарифларининг индексацияси;

– инвестицион талабнинг, жумладан, қурилиш молларига бўлган талабнинг ошиши.

Инфляция даражасининг пасайиши бўйича қатъий ишонч шаклланган шароитда Марказий банк 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича инфляция прогнозини қайта кўриб чиқиши мумкин.

*Қайта молиялаш ставкасини қайта кўриб чиқиш юзасидан Марказий банк Бошқарувининг навбатдаги йиғилиши 2019 йилнинг 20 июлига мўлжалланган.*

**cbu.uz материаллари асосида тайёрланди.**

# КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИДА ФАОЛ БАНК

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ҳамда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, айниқса, хорижий кредит линияларини юртимизга жалб этишда энг фаол банклардан саналади.**



Айни дамда банк томонидан ўндан ортиқ халқаро молия линиялари тадбиркорларга таклиф этиляпти. Булар орасида Жаҳон банки, ЕТТБ, Кореянинг Эксимбанки каби бир қатор халқаро молия ташкилотлари ҳамда банклар бор. Шу давргача мазкур линиялар орқали тадбиркорларга 80 млн. доллардан ортиқ маблағлар ажратилиб, юзлаб лойиҳалар амалга оширилган.

– Бу кредитларнинг афзаллиги шундаки, фоиз ставкаси паст, имтиёзли даври ва кредит қайтариш ва фоизини тўлаш муддатлари ҳам узоқ саналади. Бу эса ҳар қандай тадбиркорга кўплаб енгилликлар туғдиради. Бу маблағлар асосан хориждан замонавий техника ва турли асбоб-ускуналарни олиб келишга ажратилиб, маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг ўзидан харид қилиш имконини беради. Бундай техникаларга эга бўлган тадбиркор ўз навбатида маҳсулотни экспорт қилишга ҳаракат қилади, – дейди банкнинг Кредит департаменти директори Бахтиёр Мирдовидов Миллий матбуот марказида "Ўзмиллийбанк кредитлари – бизнесингиз тараққиёти кафолати" мавзуида бўлиб ўтган матбуот анжуманида.

Мазкур тадбирни "Ўзмиллийбанк" бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Жалилов очиб, банк томонидан ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётгани хусусида тўхталиб ўтди.

Унинг келтиришича, жорий йилнинг уч ойи мобайнида "Ўзмиллийбанк" барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 1,434 трлн. сўм миқдорида кредит ажратган. Бу йўналишда асосий эътибор "Ҳар бир оила – тадбиркор" Дастури доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилиб, бунинг учун "Ўзмиллийбанк" ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида Келишув имзоланди. Унга кўра, жамғарма томонидан Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2019 йилда босқичма-босқич 524,7 млрд. сўм миқдорида ресурс маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг январь-апрель ойларида 3 142 фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига жами 70,0 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилди. Ўтган йилда бу йўналиш учун банк томонидан 4 599 фуқаро ва тадбиркорларга қарийб 100 млрд. сўм кредит маблағлари берилган эди.

Қолаверса, банк томонидан "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури доирасида ҳам ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида молиявий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Дастур доирасида тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан банк томонидан 2018 йилда 779 та ёш тадбиркорларнинг бизнес-ғояларини молиялаштириш мақсадида 115,3 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Мазкур кредитлар жойларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, хизмат кўрсатишни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва чорвачиликни ривожлантириш соҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Бу борада 2019 йилда ҳам ишлар давом этиб, жорий йилнинг тасдиқланган манзилли рўйхатига кўра, 614 млрд. сўм миқдорида маблағлари ажратиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг январь-апрель ойларида 138 та ёш тадбиркорларга 29,2 млрд. сўм имтиёзли кредитлар берилган.

Албатта, кредитлар ажратилгандан сўнг ундан мақсадли фойдаланиш ва қайтариш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Бу борада банк томонидан доимий равишда тадбиркорлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни ўз вақтида, самарали амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Натижада банкнинг муаммоли кредитлари 1 апрель ҳолатига кўра, умумий кредит портфелининг, яъни 52 трлн. сўмнинг 0,3 фоизини ташкил этди. Булар асосан, шартнома шарти қайта кўриб чиқилаётган кредитлар ҳисобланади.

# ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР МОЛИЯЛАШТИРИЛМОҚДА

**(Бошланиши 1-саҳифада)**

– "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан йирик ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш)га эга корхоналарнинг лойиҳалари Банк ўз маблағларидан ташқари, чет эл молия муассасалари кредит линиялари ҳисобидан ҳам молиялаштирилмоқда, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Зафар Азимов. – Бунда Европанинг Credit Suisse (Швейцария), Raiffeisen Bank International AG (Австрия), Landesbank Baden-Wuerttemberg, Commerzbank, ODDO BHF, KFW Ipex-Bank (Германия), Газпромбанк, «AK BARS Bank» (Россия), «Shinhan Bank» (Жанубий Корея), шунингдек, Хитой, Туркия ва Жанубий Корея Эксимбанклари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу билан бирга дунёнинг 58 давлати билан корреспондентлик алоқалари ўрнатилган.

Қайд этилишича, шу давргача банк ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан ҳудудлардаги юзлаб лойиҳаларни амалга ошириш учун 30 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирган. Жумладан, нефть-газ тизимига 13 трлн. сўм, энергия тармоғига 6 трлн. сўм, кимё саноатига 6 трлн. сўм, металлсозлик йўналишига 1 трлн. сўм ҳамда бошқа йўналишларга 4 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ва молиявий хизматлар кўрсатилган. Шунингдек, иқтисодиётнинг мазкур муҳим соҳалари ривожи учун яна 6 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратиш режалаштирилган.

Шунингдек, анжуманда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар хусусида ҳам сўз борди. Маълумотларга кўра, айни кунда умумий қиймати 286,7 млн. еврога тенг бўлган Тошкент металл заводини қуриш ишлари бошлаб юборилган. Ушбу завод Россия РОСЭКСИМБАНКининг молиявий кўмагида бунёд этилиб, унинг ишга тушиши бир қатор саноат тармоқларини маҳаллий металл ашёлар билан таъминлаш имконини беради. Шунингдек, яна бир муҳим лойиҳалардан бири – "Шўртангазкимё" мажмуасида барпо этилаётган умумий қиймати 4 млрд. долларлик синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Мазкур завод тўлиқ фойдаланишга топширилгандан сўнг, у йилига 860 минг тонна дизель, 300 минг тонна авиацион керосин ҳамда 400 минг тонна техник мойлар ишлаб чиқаради. Хитой Эксимбанки кўмагида Ангрен иссиқлик энергия станциясида янги 130–150 мега қувватга эга бўлган энергия блокини бунёд этиш бўйича ҳам олиб борилаётган лойиҳа ана шундай йирик лойиҳалардан саналади.

Тадбирда қайд этилишича, "Ўзсаноатқурилишбанк" Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан Давлат инвестиция дастурларидан ўрин олган лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашмоқда. Яқин истиқболда эса Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси билан ҳамкорликда исломий молиялаштириш бўйича хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш объектларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш ва энергия тежамкорлигини оширишга қаратилган "Green banking" тизими асосида молиялаштириш механизмларини жорий этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

**Сўнгги йилларда юртимизда китобхонлик маданиятини янада ривожлантириш, ёш авлод орасида китобга бўлган қизиқишни ошириш, уларнинг маънавий юксалиши йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар эътирофга лойиқдир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларнинг жонланишига турткі бўлди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида кўплаб амалий ишлар қилинаётганини кўриб, кузатиб турибмиз.**

# Кун мавзуси "Алоқабанк" муҳокамасида





Бу эзгу ишларнинг узвий давоми сифатида яқинда Юртбошимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Улардан бири – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишдир.

Шу кунларда ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасида барча ташкилоту идораларда амалий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, яқинда АТ "Алоқабанк" Бош офисида ташкил этилган анжуман ҳам мазкур ташаббуслар мазмун-моҳияти, китобхонлик маданияти, ёшларнинг маънавий камолотига бағишланди. Унда АТ "Алоқабанк" Бошқаруви раиси ўринбосари, банкнинг Ёшлар Иттифоқи етакчилари кенгаши раиси Ҳасан Раҳматов, "Бозор, пул ва кредит" журнали бош муҳаррир ўринбосари Абдувоҳид Умиров ҳамда "Банк ахборотномаси" газетаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ҳасан Раҳматов очар экан, Президентимизнинг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 5 ташаббуси жамиятимиз ривожи учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, шу асосда тизимда қатор чора-тадбирлар кўрилаётгани хусусида сўз юритди. Шундан сўнг Абдувоҳид Умиров бугунги кунда китобхонлик маданиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда тараққий этган давлатларда китобга бўлган муносабат хусусида чиқиш қилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган анжуманда банк ходимлари "Банк ахборотномаси" газетаси ҳамда "Бозор, пул ва кредит" журналининг бугунги талабчан ўқувчилари учун қандай янгиликлар режалаштирилаётгани билан қизиқди. Бу саволларга таҳририят жамоаси газетхонларнинг истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда бир қатор янги лойиҳалар тайёрланаётганини билдириб, банк ходимларининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳам ўзларига қайд этишди.

Тадбир сўнггида АТ "Алоқабанк" Бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасан Раҳматов бу каби учрашувлар икки томон учун ҳам манфаатли эканини айтиб, маънавият кечаларини тез-тез ташкил этиш кераклиги ҳақида таъкидлади.

# Қишлоқларда 10 000 квартирали кўп қаватли уйлар қурилади

**"Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан шу кунга қадар 123 623 та уй қурилиб, 140 мингдан зиёд оила уй-жой билан таъминланди. Уй-жойлар қурилган массивларга ичимлик суви, табиий газ тармоқлари, электр узатиш линиялари ҳамда автомобиль йўллар қурилиши ҳам амалга оширилди. Ўтган йили мамлакатимиз қишлоқларида жами 21 592 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилди.**

– 2009 йилдаги якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури доирасида уйларнинг дастлабки бадали 25 фоизни, 2017 йил дастури бўйича ушбу бадал 15 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилдан бошлаб Президентимиз ташаббусига кўра, уйнинг биринчи бадали 10 фоиз этиб белгиланди, – дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси бош муҳандиси Шуҳрат Рустамов. – Бу эса уй-жойга муҳтож аҳолимиз учун катта енгиллик бўлди.

Албатта, шу кунга қадар айрим ҳудудларда уй-жойларнинг бироз таъмирталаб қурилгани ҳақида ОАВ орқали чиқишлар бўлди. Агар шу каби ҳолатлар учраса аҳолига қандай ёрдам кўрсатилади? Бу ҳақда компаниянинг "Фуқаролар мурожаати" бўлими бошлиғи Ойбек Камолов шундай дейди:

– Компаниямиз ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмайди. Жорий йилда фуқаролар томонидан тушган ариза ва шикоятлардан 78 фоизи қаноатлантирилди. Қолган 22 фоизига тушунтириш хати берилди. Яъни буюртмачи томонидан кўрилган зарарни уйни қурган пудратчи томонидан тўла қоплаш таъминланмоқда. Қолаверса, компаниянинг захира маблағи ҳам бўлиб, у ҳам буюртмачиларнинг зарарини қоплашда ишлатилади. Мазкур саъй-ҳаракатлар сабаб, ўтган йилларгига қараганда 2018 йилда мурожаатлар қарийб 1 000 тага камайди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрда "Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2019 йилда республикамизнинг қишлоқ жойларида жами 13 000 та намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши кўзда тутилмоқда. Булардан 2 992 та 1 қаватли 3 хонали 2 сотихга эга арзон уйлар ҳамда 10 008 квартирали 417 та 4 қаватли 24 хонадонли кўпқаватли уйлар қурилиши режалаштирилган.

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

***2019 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 992-5-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон "Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/12-сон қарори (рўйхат рақами 992-1, 2004 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 192-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-банди учинчи хатбошисидаги "ва терроризмни" деган сўзлар ", терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**
**Тошкент ш.,**
*2019 йил 16 февраль,*
*3/13-сон*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

***2019 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1165-8-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89, 2002-62-сон қарори (рўйхат рақами 1165, 2002 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)" деган сўзлар "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**
**Тошкент ш.,**
*2019 йил 16 февраль,*
*222-В-8-сон*

**Молия вазири** **Д. КУЧКАРОВ**
**Тошкент ш.,**
*2019 йил 16 февраль,*
*15-сон*

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. МУСАЕВ**
**Тошкент ш.,**
*2019 йил 16 февраль,*
*2019-11-с*

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

# МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ҚАНДАЙ КЕЧГАН ?



**Муҳиддин МЎМИНОВ**

**Иқтисод фанлар номзоди, 1993 йилдан буён банк соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. Шу давр мобайнида у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида узоқ вақт самарали фаолият юритди. Айни кунда "Hi-Tech Bank" хусусий акциядорлик тижорат банки Юридик бошқармаси Методология бўлими бошлиғи лавозимида ишлаяпти.**

**1991 йил – мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилган йили Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомладим.**

Ўша пайтда ижтимоий фаоллик, жамиятдаги истиқлолга бўлган ғоят катта интилиш, ёшларга хос ғайрат-шижоат сабаб Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида илмий фаолиятимни давом эттириш билан бирга мамлакат мустақиллигининг иқтисодий асослари, давлатнинг эркин ва барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутган миллий валютани муомалага киритиш масалалари билан жиддий шуғулландим.

Мазкур масалаларга қизиқишим, шу соҳага интилишларим натижалари ёш мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш йўллари бўйича фикр-мулоҳазаларим, аниқ таклифларим газета ва журналларда чиққан туркум мақолаларда ўз аксини топди.

Бу борадаги илмий изланишларни жамлаб, республикамиз иқтисодиёти барқарор ривожланиши, мамлакатда пул ислоҳотини ўтказиш, миллий валютамизни киритиш масалаларига оид "Мустақиллик ва пул ислоҳоти" номли рисола 1992 йилда ҳаммуаллифликда нашр этилди.

Бу изланишларимни амалиётга татбиқ этишга бўлган қизиқиш, бошқа давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ва таклифларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида 1993-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Пул сиёсати Бош бошқармаси "Миллий валютани киритишга тайёргарлик кўриш ва таҳлил қилиш" бўлимида фаолият юритдим.

Ушбу даврда Россия, Латвия, Эстония, Молдова, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистон давлатларида хизмат сафарларида бўлиб, ушбу мамлакатларда миллий валютани муомалага киритиш тажрибаларини чуқур ўргандим.

Мазкур давлатларда миллий валютани муомалага киритиш борасидаги ютуқ ва камчиликлар, қўлланилган усуллар, халқаро молия ташкилотлари томонидан берилган тавсиялар бевосита жойига бориб чуқур ўрганилди ҳамда ҳар бир давлатда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари бўйича батафсил маълумотномалар ва Ўзбекистонда миллий валютани киритиш бўйича амалий таклифлар республика ҳукуматига, мамлакат раҳбариятига ҳар бир ташриф якунида тақдим этиб борилди.

Шу тариқа ҳам назарий, ҳам амалий тажриба асосида Ўзбекистонда пул ислоҳотини ўтказиш ва миллий валюта – "сўм"ни муомалага киритиш ва барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этдим.

Албатта, мустақил пул тизимини яратиш, миллий валютани муомалага киритиш осон бўлмади, буни чуқурроқ ҳис этиш, англаш учун яқин ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни эслашга тўғри келади.

Ўзбекистоннинг мустақил молия, банк ва солиқ тизимига асос солиш, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш каби масъулиятли вазифаларни қисқа фурсатларда ҳал қилиш зарур эди.

Хусусан, собиқ СССР Давлат банкининг Ўзбекистон филиали негизида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, СССР давлат ихтисослаштирилган тармоқ банклари Ўзбекис¬тон филиаллари асосида пайчиликка асосланган тижорат банклари тузилди, янги тижорат банклари ташкил этилди.

Юқоридаги чора-тадбирлар натижасида 1991-1992 йиллар мобайнида мустақил давлатга хос бўлган молия ва банк тизимлари шакллана бошлади.

Истеъмол бозорини ҳимоялаш ва маҳсулотларни фақат Ўзбекистон фуқароларига сотиш учун 1992 йилнинг январидан бир марталик купонлар босиб чиқарилди ҳамда 1993 йилнинг 22 ноябригача газета қоғозида чоп этилган ва ташкилотининг муҳри уриладиган карточкаси қирқиб олинувчи бир марталик купонлар амал қилди.

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари 1992 йил октябрда «Ягона рубль



зона»сини ташкил этиш ва рублдан умумий фойдаланиш тўғрисида»ги битимни имзолаб, 1993 йил намунасидаги янги рубллар Ўзбекистон ҳудудига жўнатила бошланди.

Шу ўринда кутилмаган ҳодиса юз берди. Давлатлараро шартномалар имзоланиб, уни ижро этиш бошлангандан кейин, яъни янги рублларнинг дастлабки туркуми солинган самолётлар Тошкентга етиб келиб, пул Ўзбекистон Республикаси Марказий банки омборига жойлаб бўлинган, қолган қисми кутилаётган пайтда собиқ Марказ томонидан ҳеч қандай асоссиз равишда рубль юбориш тўхтатилди.

Бу воқеалардан сал олдинроқ, яъни 1993 йилнинг 10 майида Қирғизистон тўсатдан ўз миллий валютаси «сом»ни муомалага киритди. Кейин Туркманистон ўз миллий валютаси - "манат"ни 1993 йил 1 ноябрдан, Қозоғистон миллий валютаси – "тенге"ни 1993 йил 15 ноябрдан муомалага киритди. Натижада 1993 йил кузига келиб, "ягона рубль зонаси" яратиш ғояси чиппакка чиқди.

Энг ёмони мамлакат иқтисодий ҳаёти ўз маромида давом этиши учун зарур воситалардан бири бўлмиш пул тизими ва пул бирлигисиз қолди. Яъни мустақил давлат бор, аммо иқтисодиётининг қон томири бўлган ўз миллий пули йўқ!

Шундай мураккаб ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида параллел тўлов воситаси сифатида «сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги 550-сонли қарорига кўра, ички бозорни ортиқча рубль массасидан ҳимоялаш, аҳолига пул маблағларини тўлашни ўз вақтида таъминлаш мақсадида 1961–1992 йилларда амалда бўлган совет рублига 1:1 нисбатда 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб муомалага киритилди.

Сўм-купонларнинг 1, 3, 5 ва 10 сўмликлари Англиядаги «Harrison & Sons Ltd» босмахонасида чоп этилган.

Ўта қисқа фурсат ичида, яъни 1993 йилдаёқ замонавий техника ва технология асосида пул, бошқа қимматли қоғоз ва танга ишлаб чиқара оладиган «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишга туширилганлиги ҳамда 25, 50, 100 сўмликдан 10 минг сўмликкача бўлган сўм-купонларни ўз пул фабрикамизда босиб чиқара бошланганлиги кўпчилик мутахассисларни ҳайратга солди.

Ўзбекистоннинг миллий валютаси – "сўм" Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-870-сонли Фармонига асосан 1994 йилнинг 1 июлида, сўм-купонга 1:1000 нисбатда муомалага киритилди.

Айтиш жоизки, сўм муомалага киритилган кунда валюта биржасида 1 АҚШ долларининг қиймати роппа-роса 7 сўм бўлган.

1994 йилда муомалага киритилган 100 сўмгача бўлган қоғоз пуллар Германиянинг «Giesecke & Devrient» фирмасида чоп этилган. (Ҳозир бу ерда ЕИ валютаси — "евро" чоп этилади).

1997 йили муомалага киритилган 200 сўмликдан бошлаб, кейинги барча сўм купюралари Тошкентдаги «Давлат белгиси» ДИЧБда босилмоқда.

Шу йиллар мобайнида банк соҳасидаги фаолиятимдан шуни англадимки, асосий мақсадга эришиш учун инсон қанча оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, ҳақлигини исботлаши учун кечаю-кундуз ишлаши, айрим ҳолларда кўп нарсалардан воз кечиши, ўзининг эҳтиёжларини чеклаб, бор кучи, илми, иқтидори билан ҳаракат қилиши, ҳеч қачон бошлаган ишидан чекинмаслиги лозим экан.

Марказий банкдаги иш фаолиятим билан биргаликда Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт институти аспирантурасида илмий тадқиқот ишларимни ҳам давом эттириб, 1996 йил "Макроиқтисодиётда монетар барқарорлаштириш муаммолари" (Ўзбекистон Республикаси мисолида) мавзусида "иқтисод фанлари номзоди" илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилдим, бу республикамизда ушбу соҳадаги илк илмий ишлардан ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган назарий ва илмий-амалий изланишларда ўтиш даврида инфляция жараёнини бошқариш, монетар барқарорлаштириш муаммолари ва йўналишлари назарий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Бундай ютуқларга ўз устида тинимсиз ишлаш, кутубхоналарда соатлаб ўтириш, устозлар ўгитларига ва тажрибаларига суяниш, айрим ҳолларда оила ташвишлари, ошна-оғайнилар билан учрашишлар, турли маросим ва тадбирларда қатнашишдан воз кечиш, масъулиятни ҳар доим ҳис қилган ҳолда фақат олға интилиш орқали эришилди.

Энг асосийси ишга бутун вужудимни бериб жон куйдириб ишлашни, масъулиятни ҳис қилишни, берилган вазифаларни сидқидилдан бажаришни, доимо ишни, кўзланган натижага эришишни биринчи ўринга қўйишни ўзимга шиор деб билдим.

*Хулоса сифатида эндигина соҳага кириб келаётган ёшларга тавсияларим: инсон бирор ютуққа эришиши, бошлаган ишини охирига етказиши учун кўп меҳнат қилиши, ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши ва ҳаракатда бўлиши, айрим ҳолларда ўзининг эҳтиёжларини кейинги ўринга қўйиб, кўзланган мақсадига етиши учун қийинчиликлардан қўрқмай, бутун имкониятларини сафарбар қилиши керак.*

*Саҳифа "Hi-Tech Bank" хусусий акциядорлик тижорат банкининг Маркетинг бўлими кўмагида тайёрланди.*

# «Трастбанк» хусусий акциядорлик тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБ томонидан 2017 йил 21 октябрдаги 44-сонли лицензияси
Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7, 100011

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЖАМЛАНМА ҲИСОБОТ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(МИНГ СЎМДА)

| Активлар | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 991 805 915 | 596 267 609 |
| ЎзР МБ ҳисобварағидаги мажбурий захиралар | 100 607 014 | 170 477 302 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 46 063 034 | 39 616 756 |
| Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар | 1 318 767 598 | 846 879 993 |
| Инвестициявий молиявий активлар | 137 636 739 | 6 257 440 |
| Шўъба корхоналарга инвестициялар | 9 632 350 | 5 813 936 |
| Фойда солиғи бўйича олдиндан тўлов бўйича жорий мажбуриятлар | 68 493 | 3 870 697 |
| Асосий воситалар | 102 440 972 | 53 040 408 |
| Номоддий активлар | 4 081 138 | 5 104 339 |
| Сотиш учун мўлжалланган айланмадан ташқаридаги активлар | 1 700 853 | 126 630 |
| Бошқа активлар | 29 460 855 | 43 828 675 |
| **ЖАМИ АКТИВЛАР** | **2 742 264 961** | **1 771 283 785** |
| **МАЖБУРИЯТЛАР** | | |
| Бошқа банклар маблағлари | 27 122 257 | 51 335 377 |
| Мижозлар маблағлари | 2 348 171 853 | 1 480 360 167 |
| Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар | 477 185 | 11 492 183 |
| Бошқа қарз маблағлари | 39 907 182 | - |
